

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БОБОЕВ АСҚАР ИБОДУЛЛАЕВИЧ**

**КАЛЬКУЛЁЗ ХОЛЕЦИСТИТДА ЎТ ПУФАГИ ВА ДЕВОРИ ОЛДИ**  
**ЖИГАР ПАРЕНХИМАСИНИНГ МОРФОЛОГИЯСИ**  
**(Экспериментал-тадқиқот иши)**

**14.00.02 – Морфология**

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Бобоев Асқар Ибодуллаевич**

Калькулёз холециститда ўт пуфаги  
ва девори олди жигар паренхимасининг  
морфологияси (Экспериментал-тадқиқот иши)..... 3

**Бобоев Асқар Ибодуллаевич**

Морфология стенки желчного пузыря  
и пристеночной паренхимы печени при  
калькулезном холецистите (Экспериментально-  
исследовательская работа) ..... 25

**Boboev Askar Ibodullaevich**

Morphology of the gallbladder wall and parietal  
liver parenchyma with calculous cholecystitis  
(Experimental-research work)..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 53

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БОБОЕВ АСҚАР ИБОДУЛЛАЕВИЧ**

**КАЛЬКУЛЁЗ ХОЛЕЦИСТИТДА ЎТ ПУФАГИ ВА ДЕВОРИ ОЛДИ  
ЖИГАР ПАРЕНХИМАСИНИНГ МОРФОЛОГИЯСИ  
(Экспериментал-тадқиқот иши)**

**14.00.02 – Морфология**

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2023.4.PhD/Tib4006 рақами билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Орипов Фирдавс Суръатович**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Азизова Феруза Хусановна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Давлатов Салим Сулаймонович**  
тиббиёт фанлари номзоди, доцент

**Етақчи ташкилот:**

**Абуали ибни Сино номидаги Тожикистон давлат тиббиёт университети (Тожикистон Республикаси)**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй, Тошкент тиббиёт академиясининг 10-ўқув биноси, 1-қават. Тел./факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: [info@tma.uz](mailto:info@tma.uz)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй; Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (99871) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2024 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2024 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Г.И.Шайхова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.Ш.Алимухамедов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Р.Дж.Усманов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) статистик маълумотларига кўра, ўт тош касаллиги дунё аҳолисининг ҳар 10 мингтасидан 1 тасида учрайди. Ушбу патология 40 ёшдан ошган эркакларда кўпроқ учрайди. Мамлакатимизда эса йиллик бу кўрсаткич 8-10 мингтани ташкил қилиб, шундан 74%ни аёллар, 26%ни эркаклар ташкил қилади. Уларнинг 2,7% 19 ёшгача, 44% 19-44 ёшгача, 37,7% 45-59 ёшгача, 12,9% 60-74 ёшгача ва 2,7% 75-90 ёшгача бўлган беморлардир. Одамлар ва ҳайвонларда эрта эмбрионал даврда жигар қон шаклланиши учун марказий орган ҳисобланади. Ҳомила туғилгандан кейин у барча метаболик жараёнларнинг маҳсулотларини зарарсизлантириш функциясини бажаради, гормонлар инактивланади, биоген аминлар, гликоген, фибриноген, албуминлар, протромбин, сафро синтез қилади. Ёғда эрийдиган А, Д, Е, К витаминлари ва бошқалар жигарда тўпланади. Турли хил ички ва ташқи омиллар таъсирида юқоридаги барча жигар функциялари бузилиши мумкин. Юқоридаги функцияларнинг бузилиши ўт йўли тизимининг у ёки бу патологик жараёнига олиб келади. Шу сабабли жигар ва ўт йўллари аъзолари функционал ва органик бузилишлари билан боғлиқ касалликларни олдини олиш, ташхислаш ва даволаш тамойилларини такомиллаштириш замонавий тиббиётнинг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда холелитиаз сабаб бўлган механик сариқ касаллиги билан оғриган беморларда ўт йўллариининг шиллиқ қаватининг ўзгаришини ўрганиш, ўт суюқлиги ўзгаришини биокимёвий, иммун ва оксидловчи параметрларини аниқлаш, шунингдек, улар ўт йўлларидаги морфологик ўзгаришларнинг хусусияти ўткир холангитда оптимал терапевтик тактикани танлаш бўйича қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада калькулёз холециститнинг жигар паренхимасининг ўт пуфаги девори олди соҳасига ва ўт пуфаги деворининг ҳар хил қисмлари ҳолатига таъсирини, гистопатологик оқибатларини чуқур ўрганиш ва бунда гепатобилиар тизим аъзоларининг функционал ҳолатини баҳолаш, овқатланиш тарзи ҳар хил бўлган итлар ва қуёнларда экспериментал холецистит шароитида жигар паренхимасининг ўт пуфаги девори ён қисми ва ўт пуфаги деворидаги морфологик ўзгаришларнинг солиштирма таҳлилини ўтказишга қаратилган тадқиқотлар алоҳида илмий ва амалий аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган қатор ислохотлар самарадорлигини янада ошириш, жумладан, ҳазм аъзоларининг функционал ва органик фаолиятини бузилиши касалликлари ва унинг асоратларини камайтириш, шунингдек, касалликнинг даволаш усулларини такомиллаштириш ва олдини олишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ «...аҳоли заиф тоифаларининг тўлақонли ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида

тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш...»<sup>1</sup> каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифадан келиб чиққан ҳолда куёнлар ва итлар жигари паренхимаси ва ўт пуфаги девори тузилишининг қиёсий морфологик ва морфометрик солиштирма таҳлили, уларнинг экспериментал калькулёз холецистит шароитида морфофункционал ўзгаришларини морфологик, морфометрик ва иммуногистокимёвий таҳлиллари асосида баҳолаш ва таққослаш ёрдамида жигар ва ўт йўллари турли генезли касалликлари профилактикасини ишлаб чиқиш, даволаш тадбирларини такомиллаштириш орқали касаллик асоратларини камайтириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича кўшимча чора тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Узоқ ва яқин хориж олимлари холедохолитиаз туфайли келиб чиққан обтурацион сариклик бўлган жигардаги морфологик ўзгаришларни холедохолитиазда обтурацион сарикликнинг пайдо бўлиши билан бирга келишини аниқлашган (В.А.Сипливый ва бошқ., 2016). Холециститнинг деструктив шаклида, яллиғланиш медиаторлари ва ўт халтасининг морфологик ўзгаришлари орасидаги ўзаро алоқаларини ўрганган тадқиқотчилар калькулёз холециститнинг ҳар бир тури (шакли) ўзига хос морфологик хусусиятларга эга эканлигини кузатишган (Т.А.Вервекина, Б.А.Магруппов, В.У.Убайдуллаева, 2015). Яллиғланиш жараёнининг даражасига боғлиқ ҳолда шиллиқости қаватида шишнинг кўпайишига мос равишда, шиллиқ қавати юпқалашиб, бурмалари силлиқлашиб бориши, холециститнинг деструктив ҳолатига қараб шиш ҳосил бўлиши билан бирга некроз ва мускул

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

ҳамда колаген толаларнинг парчаланишини (лизис) кузатишган. Изланувчилар ўт тошларини олиб уларнинг таркибий тузилишини ўрганганлар (В.Е.Асадчиков ва бошқ., 2018). Уларнинг тадқиқот натижалари ўт тошлари холестеринли тошлар ва пигментли (қора) тошлардан иборатлигини кўрсатган. Ўт тош касаллигида сурункали холециститнинг ўзига хос морфологик хусусиятларини ўрганган бир гуруҳ тадқиқотчилар сурункали калькулёз холецистит умумий ўт йўлининг йирингли ёки фиброзли-йирингли эксудат билан тўлиб қолишини кузатишди (С.В.Быстров ва бошқ., 2015). Мураккаб лапороскопик холецистэктомия сабабларини ўрганган бир қатор изланувчилар шундай хулосага келдиларки, 54,5% ҳолатда беморнинг кеч мурожаат қилиши бўлиб, бундан 51,2% флегмоноз ва 100% гангреноз яллиғланишда қайтмас морфологик ўзгаришлар кузатилган (В.П.Сажин ва бошқ., 2016).

Ўзбекистонда қатор олимлар томонидан умумий ўт йўлининг нерв тузилмалари морфологиясини (Т.Д.Дехканов, А.Х.Хамраев, Н.Т.Дехканова, 2019), ўт халтасининг хавфсиз ўсмаларининг морфологик хусусиятларини (Н.П.Ибраимова, 2021), ўт тош касаллигида, жигар ва ўт йўллари морфологиясига лазер нурларининг ўзига хос таъсирини (Б.Н.Шамирзаев, 2009) ўрганиш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилган. Бироқ илмий изланишларнинг етарли даражада кўплигига қарамасдан бу муаммо ханузгача тўлиқ ҳал қилинмаган.

Юқорида баён этилганлар калькулёз холециститнинг жигар паренхимасининг ўт пуфаги девори олди соҳасига ва ўт пуфаги деворининг ҳар хил қисмлари ҳолатига таъсирини, гистопатологик оқибатларини чуқур ўрганиш ва бунда гепатобилиар тизим аъзоларининг функционал ҳолатини баҳолаш ва текшириш долзарблигини тақозо этади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 5436 №012000260 «Инсон учун ижтимоий аҳамиятга эга инфекцион ва ноинфекцион этиологияли касалликларнинг профилактикаси, диагностикаси ва давоси учун илғор технологияларни ишлаб чиқиш» (2019-2023 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** итлар ва қуёнлар ўт пуфаги ва девори олди жигар паренхимасининг морфологияси ҳамда морфометрик кўрсаткичларини экспериментал калькулёз холециститда ўзгаришини баҳолашни тақмиллаштиришдан иборат

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

назорат ва тажриба гуруҳи қуёнлари ўт пуфаги ҳар хил қисмларининг ва девори олди жигар паренхимасининг солиштирма морфологиясини баҳолаш;

назорат ва тажриба гуруҳи итлари ўт пуфаги ҳар хил қисмларининг ва девори олди жигар паренхимасининг солиштирма морфологиясини баҳолаш;

экспериментал калькулёз холециститнинг турли даврларида итлар ва куёнлар ўт пуфаги ҳар хил қисмларининг, ҳамда девори олди жигар паренхимасининг солиштирма морфологиясини ва иммунногистокимёвий (K167, CD34) ўзгаришларини баҳолаш;

илмий натижаларга асосланган ҳолда калькулёз холецистит билан оғриган беморларда жигар паренхимаси ва ўт пуфаги деворида юзага келиши мумкин бўлган асоратларни олдини олиш бўйича тавсияларини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 30 та етук ёшдаги куёнлар (улардан 8 та куён назорат гуруҳи) ва 21 та етук ёшдаги итлар (улардан 7 та ит назорат гуруҳи), жами 36 та тажриба ҳайвонлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида куёнлар ва итлар жигари ва ўт пуфаги ҳар хил қисмларидан олинган гистологик кесма материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда калькулёз холециститда ўт пуфаги ва девори олди жигар паренхимасининг морфологиясини баҳолаш учун умумгистологик, нейрогистологик, морфометрик, иммуногистокимёвий ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

экспериментал калькулёз холециститда турли хил озиқланадиган тажриба ҳайвонларида жигар паренхимасининг ўт пуфагига туташ қисмида кузатиладиган морфологик ва морфометрик ўзгаришларнинг солиштирма ўзига хос хусусиятлари асосланган;

экспериментал калькулёз холециститда турли хил озиқланадиган тажриба ҳайвонларида ўт пуфагининг турли қисмлари қаватларида кузатиладиган ўзгаришларнинг тажриба муддатига мос равишда морфологик, морфометрик ва нерв тузилмаларида реактив ўзгаришлар даражаси асосланган;

экспериментал калькулёз холециститда турли хил озиқланадиган тажриба ҳайвонларида иммунногистокимёвий усул ёрдамида специфик K167 ва CD34 антигенларига реакция даражасини баҳолаш орқали жигар паренхимаси ва ўт пуфаги деворида кузатиладиган морфофункционал ўзгаришлар исботланган;

калькулёз холецистит билан хасталанган беморларда жигар ва ўт пуфаги деворидаги касаллик давомийлигига мос равишда юзага келиши мумкин бўлган ўзгаришларни ҳамда асоратларни олдини олиш бўйича ўзига хос бўлган тавсияларни ўрни асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

экспериментал калькулёз холецистит натижасида жигар паренхимасининг ўт пуфаги ён қисми соҳасидаги юзага келган реактив морфологик ўзгаришлар баҳоланган;

экспериментал калькулёз холецистит натижасида ўт пуфаги девори ҳар хил қисмлари реактив ўзгаришлари солиштирма таҳлилининг морфологик ва морфометрик кўрсаткичлари баҳоланган;

ҳаёт ва овқатланиш тарзи ҳар хил бўлган сут эмизувчилар жигари паренхимаси ўт пуфаги ён қисми ва ўт пуфаги девори реактив ўзгаришларининг солиштирма таҳлилий натижалари ишлаб чиқилган;

калькулёз холецистит натижасида жигар ва ўт пуфаги деворида юзага келадиган ўзгаришлар ва асоратларни олдини олиш бўйича амалий тавсиялар такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган умумгистологик, нейрогистологик, морфометрик, иммуногистокимёвий ва статистик тадқиқот усуллар асосида калькулёз холециститда ўт пуфаги ва девори олди жигар паренхимасининг морфологиясини баҳолашни такомиллаштиришнинг ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти назорат гуруҳига нисбатан тажриба гуруҳи ҳайвонларида калькулёз холецистит таъсирида ўт пуфаги ён қисми жигар паренхимаси ва ўт пуфаги деворидаги морфофункционал ўзгаришларнинг морфологик ва морфометрик кўрсаткичлар ўзгарганлиги, ҳамда Кi67 ва CD34 антигенлари ёрдамида иммуногистокимёвий текширув натижалари билан тасдиқланганлиги тўғрисида назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти экспериментал калькулёз холецистит шароитда яшаш ва овқатланиш тарзи ҳар хил бўлган тажриба ҳайвонларида тажриба муддатига боғлиқ равишда юзага келиши мумкин бўлган патоморфологик ўзгаришларнинг алгоритмининг ишлаб чиқилганлиги, тажриба ҳайвонлари жигари паренхимаси ва ўт пуфаги деворида Кi67 ва CD34 антигенларини комплекс равишда текшириш улардаги патоморфологик ўзгаришлар даражасини баҳолаш учун асос бўлганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Самарқанд давлат тиббиёт университети эксперт кенгашининг 2024 йилдаги 29 мартдаги 24-сон хулосасига кўра (илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассаларига жорий этиш бўйича Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2023 йил 19 декабрдаги 2788-сонли хати Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган):

*биринчи илмий янгилик:* экспериментал калькулёз холециститда турли хил озикланадиган тажриба ҳайвонларида жигар паренхимасининг ўт пуфагига туташ қисмида кузатиладиган морфологик ва морфометрик ўзгаришларнинг солиштирма ўзига хос хусусиятлари асослангани Самарқанд давлат тиббиёт университетининг кўп тармоқли шифохонаси бўйича 08.01.2024 йилдаги 14-А-сон ҳамда Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси

бўйича 11.01.2024 йилдаги 69-7-107-ТВ/2024-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* тадқиқот натижалари бўйича калькулёз холецистит касаллиги ривожланиши натижасида ўт пуфаги ва жигар паренхимасининг ўт пуфаги девори ён қисми ва бошқа қисмларида юзага келадиган патоморфологик ўзгаришларнинг, асоратларининг олдини олиш орқали ушбу касаллик кечишида ижобий натижаларга, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга эришилиши ва касаллигини олдини олиш илмий асосланди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* калькулёз холецистит касаллиги ривожланиши туфайли юзага келадиган ўт пуфаги ва девор олди жигар паренхимасининг патоморфологик ўзгаришлар асоратларини, калькулёз холецистит ва ўт тош касаллигини эрта ташхислаш ва олдини олиш, зарур бўлганда назорат қилинадиган беморларда даволаш тактикасини тўғри танлаш шифохонада бўлиш муддати 7 кундан 5 кунгача қисқариши натижасида иқтисодий самарадорликка эришилган (Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли шифохонасининг прејскурантига кўра шифохонада 7 кун даволаниш ўртача 3100000 сўмни ташкил қилади). *Хулоса:* калькулёз холецистит ва ўт тош касаллигини эрта ташхислаш ва асоратларини олдини олиш орқали шифохонада даволаниш кунларининг қисқариши натижасида 1 нафар бемор ҳисобига бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларини 218000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

*иккинчи илмий янгилик:* экспериментал калькулёз холециститда турли хил озикланадиган тажриба ҳайвонларида ўт пуфагининг турли қисмлари қаватларида кузатиладиган ўзгаришларнинг тажриба муддатига мос равишда морфологик, морфометрик ва нерв тузилмаларида реактив ўзгаришлар даражаси асослангани Самарқанд давлат тиббиёт университетининг кўп тармоқли шифохонаси бўйича 08.01.2024 йилдаги 14-А-сон ҳамда Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси бўйича 11.01.2024 йилдаги 69-7-107-ТВ/2024-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* экспериментал калькулёз холецистит шароитида яшаш ва овқатланиш тарзи ҳар хил бўлган тажриба ҳайвонларида тажриба муддатига боғлиқ равишда юзага келиши мумкин бўлган патоморфологик ўзгаришлар кетма-кетлигининг ишлаб чиқилганлиги, бу ўзгаришларнинг, ҳамда сурункали калькулёз холецистит натижасида ўт пуфаги девори нерв тузулмаларида аъзо функционал ҳолатига таъсир этувчи реактив ўзгаришларнинг олдини олиш имконини беради. Бунинг натижасида касалликнинг кечиши ва асоратларини олдини олиш мақсадида овқатланиш тарзига боғлиқ равишда олиб борилаётган профилактик тадбирларни амалга ошириш имкони туғилади ва беморларнинг ижтимоий аҳволини яхшилашга эришишга имкон яратади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган тактика экспериментал калькулёз холецистит шароитида озукланиш тури ҳар хил бўлган тажриба ҳайвонларида ўт пуфагининг турли қисмларининг қаватларида кузатиладиган ўзгаришларнинг тажриба муддатига мос равишда морфологик, морфометрик ва нерв тузилмалари реактив ўзгаришларни, калькулёз холецистит ва ўт тош касаллигини эрта ташхислаш ва олдини олиш мақсадида диагностика-профилактик алгоритм қўлланилиши орқали асоратларни камайтириш ва

зарур бўлганда назорат қилинадиган беморларда даволаш тактикасини тўғри танлаш шифохонада бўлиш муддати 7 кундан 5 кунгача қисқариши натижасида иқтисодий самарадорликга эришилган (Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли шифохонасининг прејскурантига кўра шифохонада 7 кун даволаниш ўртача 3100000 сўмни ташкил қилади). *Хулоса:* калькулёз холецистит ва ўт тош касаллигини эрта ташхислаш ва асоратларини олдини олиш орқали шифохонада даволаниш кунларининг қисқариши натижасида 1 нафар бемор ҳисобига бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларини 218000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

*учинчи илмий янгилик:* экспериментал калькулёз холециститда турли хил озикланадиган тажриба ҳайвонларида иммунногистокимёвий усул ёрдамида специфик Ki67 ва CD34 антигенларига реакция даражасини баҳолаш орқали жигар паренхимаси ва ўт пуфаги деворида кузатиладиган морфофункционал ўзгаришлар исботлангани Самарқанд давлат тиббиёт университетининг кўп тармоқли шифохонаси бўйича 08.01.2024 йилдаги 14-А-сон ҳамда Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси бўйича 11.01.2024 йилдаги 69-7-107-ТВ/2024-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* жигари паренхимаси ва ўт пуфаги деворида Ki67 ва CD34 антигенларини комплекс равишда текшириш улардаги патоморфологик ўзгаришлар даражасини баҳолаш, ушбу ёндашув калькулёз холецистит билан хастланган беморларда ҳар хил муддатда юзага келиши мумкин бўлган патоморфологик ўзгаришларнинг даражасини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг асосида бундай ҳолатларда кейинги текшириш ва даволаш, ҳамда профилактика чора-тадбирларини такомиллаштириш, натижада эса касалликнинг асоратлари учраши даражасини камайтириш орқали беморларнинг меҳнат фаолиятига яроқсизлиги олдини олишга ва уларнинг ижтимоий ҳолатини яхшилаш имконини берган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* гепатобилиар тизими аъзолари муаммоси билан мурожаат қилган беморларда гепатобилиар тизими касалликлари ҳар хил муддатида юзага келиши мумкин бўлган патоморфологик ўзгаришларнинг даражасини ўз вақтида ташхислаш стационар даволаниш учун бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларини ўртача 3100000 сўмга иқтисод қилиш натижасида иқтисодий самарадорликга эришилган. *Хулоса:* гепатобилиар тизими аъзолари патологияси мавжуд беморларда калькулёз холецистит касаллигини эрта ташхислашни қўлланилиши бир нафар бемор ҳисобига бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларини 3100000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

*тўртинчи илмий янгилик:* калькулёз холецистит билан хасталанган беморларда жигар ва ўт пуфаги деворидаги касаллик давомийлигига мос равишда юзага келиши мумкин бўлган ўзгаришларни ҳамда асоратларни олдини олиш бўйича ўзига хос бўлган тавсияларни ўрни асослангани Самарқанд давлат тиббиёт университетининг кўп тармоқли шифохонаси бўйича 08.01.2024 йилдаги 14-А-сон ҳамда Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси бўйича 11.01.2024 йилдаги 69-7-107-ТВ/2024-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* ҳазм тизими аъзоларининг яллиғланишда хусусан йирингли яллиғланишлар тезкор ташхис ва оператив даволаш усуллари ўтказиш, ушбу жараён қанча тез амалга оширилса

жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратлари ва реабилитация жараёни шунча осон кечиб, жигар ва ўт сафро йўлларидаги патоморфологик ўзгаришларни юзага келиши олдини олиниши исботланган. Тадқиқот давомида хасталикнинг патогенезини ва овқатланиш бузилишидан келиб чиққан маълум бир касалликдаги жигар ҳолатини баҳолаш орқали турли гепатобилиар касалликлари бўлган беморларни даволаш, касалликнинг олдини олиш ва парҳезни танлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиши натижасида эса аҳоли орасида ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* калькулёз холецистит билан хасталанган беморларда жигар ва ўт пуфаги деворида касаллик давомийлигига мос равишда юзага келиши мумкин бўлган ўзгаришлар, ҳамда асоратлари ва беморда юзага келиши мумкин бўлган ҳазм қилиш жараёнларининг издан чиқишини олдини олиш орқали калькулёз холецистит билан шифохонада даволаниш зарурати бўлмаслиги натижасида иқтисодий самарадорликга эришилган (Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли шифохонасининг преискурантига кўра шифохонада 7 кун даволаниш ўртача 3100000 сўмни ташкил қилади). *Хулоса:* ҳазм қилиш жараёнларининг издан чиқиши натижасида гепатобилиар тизими аъзолари патологияси, калькулёз холецистит ривожланишини олдини олиш чора тадбирлари бир нафар бемор ҳисобига бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларини 3100000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқод натижалари 5 та илмий анжуманларда, жумладан, 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан 11 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 122 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Жигар ва ўт пуфаги деворининг морфологияси ва структур-функционал ўзгаришларига бағишланган илмий адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий илмий адабиётлар таҳлил қилинган. Бобнинг «*Жигар ва ўт йўллари патологиялари: ечим, муаммолар ва тадқиқотлар шарҳи*» деб номланган биринчи бўлимида бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотини статистик

маълумотлари, ўт тош касаллиги дунё аҳолисининг учраш частотаси билан боғлиқ адабиётлар, уларни таҳлил қилиш орқали ўрганилаётган мавзунинг муаммолари аниқланган. Гепатобилиар тизимида ҳар хил патологиялари бор беморларда калькулёз холецистит касаллигини эрта ташхислашга оид адабиёт манбаларининг таҳлили келтирилган. Бобнинг *«Гепатобилиар тизим аъзоларининг турли патологиялар ва экспериментал таъсирлардаги морфологиясига доир айрим мулоҳазалар»* бўлимида ҳозирги замон ривожланиб бораётган тиббиётда айрим бошқа касалликлар қатори экспериментал текшириш натижалари, гепатобилиар тизим касалликлари билан оғриган беморлар орасида калькулёз холециститни сони ҳам ортиб ва ёшариб бораётганлиги ҳақидаги кўплаб адабиётлар таҳлили изоҳланган. Бобнинг *«Умумий ўт йўлининг экспериментал тўтилишида ўт пуфаги девори ва жигарнинг девор олди паренхимасининг морфофункционал тавсифи»* деб номланган бўлимида ҳозирги замон тиббиётининг долзарб муаммоларидан бири бу ўт чиқарув йўллари ва жигар касалликлари ҳисобланиши, ўт чиқарув йўллари касалликлари ва экспериментал текширишлар натижасида моддалар алмашинувининг, иммунологик жараёнларнинг бузилиши, морфологик ўзгаришлар, унинг келиб чиқиш қонуниятлари ва коррекция қилиш усуллари ҳақидаги адабиётлар таҳлили берилган.

Диссертациянинг **«Жигар ва ўт пуфаги деворининг морфофункционал ўзгаришларини ўрганиш бўйича материаллар ва текширув услублари»** деб номланган иккинчи бобида муаммонинг ечимини таъминлайдиган тадқиқот усуллари ва ёндашувлар тўлиқ тавсифланган. Белгиланган вазифаларни бажариш учун тадқиқот материали сифатида 51 та лаборатория ҳайвонлари олинган бўлиб уларни стандарт виварий шароитида боқилган етук соғлом (3-4 ёшдаги), ўртача оғирлиги 2200 г бўлган 30 та шеншилла зотли қуёнлар, ҳамда етук (3-4 ёшдаги) соғлом, ўртача оғирлиги 3000-4000 г атрофидаги 21 та зотсиз итлар олинди.


Биринчи назорат гуруҳи ҳайвонларига наркоз остида жарроҳлик йўли билан қорин бўшлиғи очилиб яна қайтадан тикиб қўйилди. Иккинчи тажриба гуруҳи ҳайвонларида калькулёз холецистит модели чақирилди. Бунинг учун тажриба гуруҳи ҳайвонларида жарроҳлик йўли билан наркоз остида ўт пуфаги туб қисмидан очилиб 0,3x0,3 дан 0,6x0,6 см гача катталиқдаги 4-6 та ностерил тошлар жойлаб қуйилди (В.С.Шитов 1969).

Иккала гуруҳ ҳайвонлари ҳам 2010 йил 22 сентябрдаги Европа Парламенти ва Европа Иттифоқи Кенгашининг илмий мақсадларда фойдаланиладиган ҳайвонларни ҳимоя қилиш бўйича 2010/EU директивасига асосан, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Этик қўмитадан лаборатория ҳайвонларида тажрибалар ўтказиш учун олинган ёзма рухсатнома (ЎзР ССВ қошидаги Этика қумитасининг 30.01.2024 йил 1/10-1855-сонли баённомаси) асосида жонсизлантирилиб, ўрганиш учун улардан жигар ва ўт пуфаги материаллари олинган. Жарроҳлик операциясидан кейин 6, 30 ва 120-кунларида наркоз остида қон томирини кесиб (қорин аортасини) қон чиқариш йўли билан жонсизлантирилган. Ўлдирилган ҳайвонлардан олинган ўт пуфаги ва жигар тўқимаси материалларига қиёсий морфологияси ва морфометриясини ўрганиш учун

гематоксилин-эозин, Ван-Гизон, Маллори ва нейростологик (Бильшовский-Гросс) усуллари ёрдамида ишлов берилган.


Иммуногистокимёвий текширувга Bond Leica Australia (Австралия) иммуногистопроцессордан фойдаланган ҳолда тўқималарнинг морфофункционал ҳолатини ўрганиш мақсадида Кi67 ва CD34 антигенлари моноклонал антителалар орқали хужайралар экспрессияси ўрганилди. Натижаларни статистик ишлаш Pentium IV компютерида Microsoft Office Excel – 2012 дастурий таъминот тўплами ёрдамида, шу жумладан ўрнатилган статистик ишлов бериш функцияларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган.

Диссертациянинг «**Ҳар хил озуқа тури ва яшаш шароитидаги сут эмизувчи тажриба ҳайвонлари жигар паренхимаси ва ўт пуфаги деворининг солиштирма морфологияси**» деб номланган учинчи бобида овқатланиш тарзи ва яшаш шароити турлича бўлган сут эмизувчи лаборатория ҳайвонларининг назорат гуруҳида ўт пуфаги турли қисмларининг ва девори ёни жигар паренхимаси ичи структуравий тузилмаларининг морфологик тузилиши ва морфометрик кўрсаткичлари келтирилган (1-расм). Бунда жигар паренхимаси бўлакчаларо артериялари, веналари, ўт йуллари ва марказий венанинг диаметри куёнларда итларга нисбатан йирикроқ кўрсаткичга эга эканлиги асослаб берилган.




**1-расм. Назорат гуруҳидаги ҳайвонлар жигари структуравий тузилмаларининг солиштирма морфометрик кўрсаткичлари**

Назорат гуруҳи ҳайвонлари жигари гепатоцитлари ядро-цитоплазматик нисбати таҳлили гепатоцитлар ядро ҳажмининг цитоплазма ҳажмига умумий нисбати ва икки ядроли гепатоцитларда ядронинг цитоплазмага нисбати куёнлар ва итларда сезиларли фарқ қилмаганлиги, аммо бир ядроли гепатоцитлар ядросининг цитоплазмага нисбати куёнларда итларга нисбатан паст кўрсаткичга эга эканлиги аниқланди (2-расм). Куёнларда икки ядроли гепатоцитлар улуши тахминан 38,5% ни, итларда эса 19% ни ташкил қилди.




**2-расм. Назорат гуруҳидаги ҳайвонлар жигари гепатоцитларининг ядро-цитоплазматик нисбати кўрсаткичлари таҳлили**

Назорат гуруҳи ҳайвонларида ўт пуфаги деворининг қалинлиги қаватлар кесимида алоҳида ўрганилганда итларда бу кўрсаткичлар қуёнларга нисбатан қалинроқ эканлигини аниқладик. Бунда итлар ўт пуфаги девори шиллиқ пардаси қалинлиги қуёнларникига нисбатан ишонарли (3,5 баравар) қалин эканлиги, мушак-фиброз ва адвентиция қаватлари қалинлиги эса қарийб 3 баравар, ўт пуфаги деворининг умумий қалинлиги 3 баравардан зиёд қалин эканлиги аниқланди (3-расм).



**3-расм. Назорат гуруҳидаги ҳайвонлар ўт пуфаги девори ҳар хил қаватларининг морфометрик кўрсаткичлари**


Назорат гуруҳи ҳайвонлар ўт пуфаги деворининг бўйин, тана ва туб қисмларини морфометрик кўрсаткичлари таҳлил қилинганда итлар ўт пуфаги девори ҳар хил қисмларининг қалинлиги қуёнлар ўт пуфаги девори ҳар хил қисмларининг қалинлигидан 3-3,5 баравар қалинроқ эканлигини кузатишимиз мумкин (4-расм).



**4-расм. Назорат гуруҳидаги ҳайвонлари ўт пуфаги девори ҳар хил қисмларининг морфометрик кўрсаткичлари**

Назорат гуруҳидаги қуёнлар ва итлар ўт пуфагининг шиллик ости ва мушак пардаларида нерв чигаллари жойлашган бўлиб, улар интрамурал нерв толаларидан иборат нерв тутамларини ҳосил қилган. Бу нерв тутамлари туташган соҳаларида нерв чигаллари ҳосил бўлганини кўриш мумкин. Нерв тугунлари асосан Догелнинг 1 ва 2 тип хужайраларидан ташкил топган (5-расм).


Ҳар хил яшаш ва овқатланиш тарзига эга сут эмизувчиларнинг жигари паренхимаси структуравий тузилмалари ва ўт пуфаги девори морфологиясини ва морфометрик кўрсаткичларининг бир биридан фарқланиши, улар жигари ва ўт пуфагининг умумий морфологик тузилиши, унинг таркибий тузилмалари овқатланиш тарзига хос эканлигини кўрсатди.



**5-расм. Назорат гуруҳи ҳайвонлари ўт пуфаги девори шиллик ости пардаси нерв тугунлари ва нерв толалари тутамлари. А. Қуён. Б. Ит. Бўялиши Бильшовский Гросс усули. Ок.7, об.40**

Диссертациянинг «Ҳар хил озуқа тури ва яшаш шароитидаги сут эмизувчи тажриба ҳайвонлари ўт пуфаги ва девори олди жигар паренхимасининг экспериментал калькулёз холецистит шароитидаги морфологияси» деб номланган тўртинчи бобида экспериментал калькулёз


холецистит шароитида жигар морфологияси ва морфометриясининг назорат гуруҳи ҳайвонлари билан солиштирма таҳлили келтирилган (6-расм).




**6-расм. Ҳайвонлар жигари ўт пуфаги ён қисми паренхимаси ичи структуравий тузилмаларининг назорат ва тажриба гуруҳларидаги солиштирма морфометрик кўрсаткичлари**

Тажриба гуруҳи ҳайвонлари жигар ичи структуравий тузилмалари (бўлакчалараро вена, артерия, ўт йўли ва марказий вена) морфометрик кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили уларда бу кўрсаткичларнинг назорат гуруҳи ҳайвонлариникига нисбатан ишонарли даражада юқори эканлигини кўрсатди (7-расм).

Тажриба гуруҳи ҳайвонлари жигар паренхимасида икки ядроли гепатоцитлар улуши текшириб кўрилганда, бу кўрсаткич назорат гуруҳи ҳайвонларига нисбатан қуёнларда ва итларда ҳам ишонарли даражада, яъни 3 бараварга камайган бўлиб, қуёнларда 13,5 %ни, итларда 6,5%ни ташкил қилди. Бу ҳолат тажриба гуруҳи ҳайвонларида назорат гуруҳига нисбатан гепатоцитларнинг функционал фаоллигининг сусайганини билдиради. Тажриба гуруҳи ҳайвонлари жигари гепатоцитларида цитоплазмасининг вакуоллашганини ва дистрофик ўзгаришларни кузатиш мумкин.




А



Б


**7-расм. Тажриба гуруҳи ҳайвонлари. Ўт пуфаги девори (А) ва жигар паренхимаси структуравий тузилмалари (Б) (бўлакчалараро қон томирлар ва ўт йўли). Бўялиши гематоксин-эозин. Ок. 7, об. 40**

Тажриба гуруҳи ҳайвонларининг жигар паренхимаси гепатоцитларининг ядро-цитоплазматик нисбати назорат гуруҳи ҳайвонлариникига нисбатан ишонарли паст кўрсаткичга (2 баробарга кичрайган) эга эканлиги аниқланди (8-расм).



**8-расм. Тажриба ва назорат гуруҳлари ҳайвонлари жигари гепатоцитлари ядро-цитоплазматик нисбатининг солиштирма кўрсаткичлари**


Тажрибанинг ҳар хил муддатидаги ҳайвонлар ўт пуфаги деворидаги морфологик ва морфометрик ўзгаришларнинг солиштирма таҳлили қуйидагиларни кўрсатди: 6 кунлик тажриба гуруҳи ҳайвонлари ўт пуфаги деворида шишиниш, толаланиш, шиллиқ ва шиллиқ ости қаватларининг қалинлашганлигини, лейкоцитар инфильтрация ўчоқларини кузатиш мумкин (9-расм).



**9-расм. Тажриба гуруҳи ҳайвонлари ўт пуфаги девори шишинган ва толаланган (тажрибанинг 6 кун). А. Қуён. Б. Ит. Бўялиши: Маллори. Ок. 10, об. 40**


Тажрибанинг 30 кунда ҳайвонлар ўт пуфаги деворининг шиллиқ ва шиллиқ ости пардаларида лимфоцитар инфильтрация ўчоқларидан ташқари,

флегманоз ўчоқлар, мушак пардасида силлиқ мушак толаларининг шикастланиб емирилиш ҳолатларини кузатиш мумкин (10-расм).



**10-расм. Тажриба гуруҳи ҳайвонлари ўт пуфаги деворидаги флегманоз ўчоқлар, мушак толаларининг шикастланган ҳолати (тажрибанинг 30 куни). А. Қуён. Б. Ит. Бўялиши: Гематоксилин-эозин. Ок. 10, об. 40**


Экспериментал калькулёз холециститнинг сурункали даври, 120 кунига келиб тажриба ҳайвонларининг ўт пуфаги деворида сурункали яллиғланиш жараёни ҳисобига фиброз ўзгаришлар, коллаген толаларининг ўсиб қалинлашуви ҳисобига ўт пуфаги деворининг қалинлашгани, мушак тўқимаси элементларининг емирилиб камайиши ва бириктирувчи тўқима билан алмашинуви ҳисобига мушак парданинг юпқалашгани кузатилади (11-расм).



**11-расм. Тажриба гуруҳи ҳайвонлари ўт пуфаги деворида коллаген толаларга бой грануляцион тўқиманинг ривожланиши (тажрибанинг 120 куни). А қуён. Б ит. Бўялиши: Гематоксилин-эозин. Ок. 10, об. 40**


Тажриба гуруҳи ҳайвонларининг сурункали калькулёз холецистит даврида ўт пуфаги интрамурал нерв тузилмаларида аъзо функционал ҳолатига таъсир этувчи реактив ўзгаришларни кузатиш мумкин. Бунда нерв

Ўсимталари гиперплазияси, гиперимпрегнацияланганлиги, варикозли ўзгаришларга учраган нерв толаларини кузатиш мумкин. Айрим ҳолатларда фрагментлашган нерв толалари учрайди (12-расм).




**12-расм. Тажриба гуруҳи ҳайвонлари ўт пуфаги деворида гиперимпрегнация, варикоз кенгайиш ва фрагментацияга учраган нерв толалари (тажрибанинг 120 кун). А. Қуён. Б. Ит. Бильшовский Гросс усулида импрегнация. Ок. 10. Об. 40**

